Уларнинг 6 минг 728 таси "meningkonstitutsiyam.uz" платформаси, 3 минг 492 таси "@meningkonstitutsiyam_bot" телеграм боти, 1 минг 744 таси "1341" Call-маркази, 1 минг 608 таси маҳалла фуқаро-

лар йиғинлари, 804 таси маҳаллий Кенгашлар, 2 минг 87 таси электрон почта, 2 минг 382 таси фуқаролар қабули орқали келиб тушган бўлса, 271 таси жамоавий таклифлар сифатида билдирилган. Таҳлиллар 10 минг 956 та таклифнинг ташаббускори эркаклар бўлса, 5 минг 950 тасини аёллар, 2 минг 282 таси эса аномим шаклда юборилганини кўрсатмоқда.

Ҳар бир таклиф комиссия йиғилишларида атрафлича муҳокама қилинмоқда. Асосийси, ушбу жараёнлар телеканаллар, Конституциявий комиссиянинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилаётир.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз Конституциясига ўзгартиш киритиш борасидаги жараёнлар кенг жамоатчиликка очик-ойдин етказиб келинаётгани ҳам халқимиз фаоллигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қўтбидин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари
қўмитаси раиси,
Конституциявий комиссия
раиси ўринбосари.

АСОСЛАНТИРИЛГАН ТАКЛИФЛАР КЕЛИШДА ДАВОМ ЭТЯПТИ

Шу кунларда халқимиз мамлакатимиз Бош қомусига концептуал ёки таҳририй ўзгартиш, қўшимчалар юзасидан асослантирилган таклифлар йўллашда фаол қатнашмоқда. Буни шу йил 9 июнь кунини соат 20:00 ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича жами 19 минг 188 та таклиф келиб тушганлиги ҳам билиш мумкин.
Бу муҳим жараёндан Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчилари ҳам четда тургани йўқ. Муҳбиримиз уларнинг бу борадаги фикр-мулохазалари билан қизиқди.

**Ботир САМАРҲУЖАЕВ,
Судьялар олий мактаби Маъмурий
ҳуқуқ кафедраси мудири, юридик
фанлари доктори, профессор:**

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра демократия умуминсоний принципларга асосланган — инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Бунда инсоннинг шахсий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлари Конституцияда белгилаб қўйилиши алоҳида ўринга эга. Лекин уни реал ҳаётда акс эттириш учун инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашнинг аниқ механизминини белгилаб қўйиш лозим. Жумладан, инсоннинг давлат органлари билан муносабатларида қонунчиликдаги ноаниқликлар шахс фойдасига талқин этилиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 29-моддасига асосан, ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши кераклиги эътироф этилган.

Шахс учун давлат органлари билан муносабатда асосий ишончи Конституция билан боғланган бўлади. Чунки шахс учун давлат билан муносабатини тартибга солувчи Асосий Қонун — Конституция. Давлат органлари эса бевосита ўз фаолиятига оид қонунчилик асосида иш қилиши табиий ҳол. Агар давлат органлари билан муносабатларда қонунчиликнинг бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлари ва ноаниқликлари аниқланса, давлат органи ўзи учун муҳим бўлган қонун асосида иш қўради. Бу ўринда давлат органи ҳам бир томондан ҳақ. Сабаби, қонунчиликнинг бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлари ва ноаниқликлари шахснинг фойдасига ҳал этилиши таъминли Асосий Қонунда мустақамлаб қўйилмаган. Натижада ҳар қандай ноаниқликлар шахснинг зарарига ишлашда давом этиши шахснинг давлатга бўлган ишончининг сўнишига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Рес-

публикаси Конституциянинг 16-моддасига қўйиладиган қўшимча киритиш таклиф этилади: "Қонунчиликдаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилинади".

**Дилмурод ОРТИКОВ,
Судьялар олий мактаби Маъмурий
ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси, PhD:**

— Янги Ўзбекистонда "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойил асосида давлат органлари билан шахс ўртасида алоқалар йўлга қўйилди. Бу борада қонунчилик такомиллаштириб боришмоқда.

Хусусан, давлат органлари билан фуқаролар ўртасидаги муносабатни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонунида маъмурий иш юритиш давомида юзага келадиган, қонунчиликнинг бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлари ва ноаниқликларини манфаатдор шахслар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу манфаатдор шахслар фойдасига талқин қилиниши белгилаб ўтилди. Мазкур принцип солиқ, божхона ва бошқа соҳа қонунчилигида ҳам белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш лозимки, давлат органлари билан шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи барча миллий қонунчиликда ҳам қонунчиликнинг бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлари шахс фойдасига талқин этилиши белгилаб ўтилмаган.

Бу эса кўпала соҳаларда шахснинг ҳуқуқлари поймол қилинишига сабаб бўлмоқда. Демак, бу, шахс ҳуқуқларининг устуңлиги принципини конституциявий даражада белгилаб қўйилиши долзарб аҳамиятга эга эканлигини англатади. Амалдаги Конституцияда мазкур принцип ўз ифодасини топмаган.

Шу боис конституциявий ислохотларни амалга оширишда инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада шахснинг ҳуқуқлари устуңлиги таъминлини Асосий Қонунда мустақамлаб қўйиш лозим. Хусусан, қонунчиликнинг бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлари шахснинг фойдасига ҳал этилиши таъминлининг Бош қомусимизда белгилаб қўйилиши ҳар бир шахснинг давлат

органлари муносабатларида ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга хизмат қилади.

**Комил СИНДОРОВ,
Судьялар олий мактаби ўқитувчиси,
юридик фанлари доктори, профессор:**

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига асосан, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин. "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда давлат хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш ва унинг қўпайтирилиши учун барча зарур шароитларни яратиши, бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг тикланиши ва унинг суд орқали ҳимоя қилиниши кафолатлаши, мулкдорга етказилган зарар тўла ҳажмда қопланиши мустақамлаб қўйилган.

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек кўринадди. Аммо афсуски, узоқ йиллар мулкдорларини мулкдан маҳрум этиш асослари ва тартиблари, бундай ҳолатлар юз берганда мулкдорга етказилган зарарини қоплаш масалалари қатъий белгиланмагани, ҳуқуқий механизмлар яратилмагани, қонунчиликдаги бушлиқлар сабаб мулкдорнинг ҳуқуқлари қўп олаётганда бузилишига, унга тегишли уй-жой, бино ва иншоотлар, ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун деган вақт билан номақбул шартларда, зарар тўла қопланмасдан олиб қўйилишига ёки мулк ҳуқуқидан воз кечишига мажбур қилишга йўл қўйиб келинди. Бу, ўз навбатида, тадбиркорларнинг қўли ишдан совшишига, мамлакат инвестициявий жозибдорлигининг пасайишига ва охири-оқибат мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади.

Сўнги беш йилда хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатда тадбиркорлик муҳитини яхшилашга қаратилган муҳим ислохотлар амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма ташкил этилди. Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилишини мазкур жамғарма билан мажбурий тарзда келиши тартиби жорий этилди, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилишнинг қатъий тартиблари белгиланди.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ер участкаларини олиб қўйишда етказил-

ган зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлиқ қопланмагунга қадар уй-жой, иморат ва иншоотларни бузиб ташлашга йўл қўйилмаслиги қўзда тутилди, ер участкалари ноқонуний олиб қўйилганилиги учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилди. Жисмоний ва юридик шахслар эгаллида бўлган, улар фойдаланадиган ва мулки бўлган ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ваколати тегишли халқ депутатлари Кенгашларига берилди.

Бизнингча, мулкни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш фақат суднинг қарори асосида амалга оширилиши керак. Шу боис Конституциянинг 53-моддасига ҳеч қим ўз мулкдан суднинг қарорисиз маҳрум этилмаслиги, мулкни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишга фақат олдиндан зарар тўла қопланиши шарт билан йўл қўйилиши мумкинлиги ҳақидаги қондан мустақамлаб қўйиш лозим бўлади.

**Отабек МУТАЛОВ,
Судьялар олий мактаби докторанти:**

— Бугунги кунда интернетда 2 миллиардга яқин веб-сайтлар мавжуд бўлиб, дунё бўйлаб жаҳон ахборот маконидан фойдаланувчилар сони 5 миллиардга яқинлашмоқда. Интернет ҳаётимизда шу даражада кириб келдики, ҳатто Конституцияда белгиланган кўпала ҳуқуқларимизни амалга оширишни устиз тасаввур қилиш қийин бўлиб қолди.

Хусусан, интернет бизга фикрлаш, сўз эркинлигини таъминлаш керакли ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатишда ҳам, давлат органларига ёки халқ вакилларига мурожаат қилиш, давлат хизматларидан фойдаланиш, виртуал мулкка эгаллик қилишдан тортиб, пластик карталаримиздаги пуллари тасарруф этиш учун ҳам, масофавий таълим олиш ва меҳнат қилиш, жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши, бозор муносабатлари ривожланишидан тортиб, то бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун судга мурожаат қилишда ҳам заруратга айланган.

Бугун интернет — оммавий ахборот воситалари эркинлиги рамзи, халқнинг давлат ва жамият ҳаётида иштирок этиши учун восита, фуқароларнинг давлат органлари фаолиятини назорат қилиши усули, электрон тижорат учун бозор, криптовалюта ва рақамли ҳуқуқларга эгаллик қилиш шаклидир.

Шу сабабли ҳам неча асрлардан буён ўзгармай келаяётган шахснинг асосий ҳуқуқлари доирасини кенгайтириш, унга интернетдан фойдаланиш ҳуқуқини қўшиш замон талаби бўлиб қоляпти. Бундай ҳуқуқни, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқларининг рамзи бўлган — Конституцияда белгилаш инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат учун долзарб вазифа бўлиши керак. Мазкур асосларга таяниб, шахснинг интер-

нетга кириш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини Конституциямизнинг VII бобида алоҳида мустақамлаш таклиф этилади.

**Холмурод ИСАНОВ,
Судьялар олий мактаби докторанти,
юридик фанлари номзоди:**

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III боби "Конституция ва қонуннинг устуңлиги" деб номланган бўлиб, ушбу бобнинг 15-моддасига кўра "Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қўради".

Бу шуни англатадики, амалдаги барча қонунлар ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституцияга зид бўлмаслиги керак. Таъкидлаш керак, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни 8-моддасига кўра "Ўзбекистон Республикасида одил судлов қонунга қатъий мувофиқ ҳолда амалга оширилади". Бу эса судлар томонидан одил судлов қонунга қатъий мувофиқ ҳолда амалга оширилиши билан бир пайтда, судлар томонидан қўлланиладиган қонунлар ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчаси Конституцияга мос бўлишини ҳам талаб этади.

Бошқача айтганда, суд амалиётида қўлланиладиган ҳар қандай қонун ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституцияга зид бўлмаслиги керак. Албатта, судлар томонидан қўлланилган ҳар қандай қонун ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мос эмаслиги тўғрисида масала пайдо бўлганда, ушбу масала бевосита Конституциявий суд томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Бундай масаланинг пайдо бўлишини баъзи ҳолларда фуқаролар ва юридик шахсларнинг муайян иш бўйича суд томонидан уларга нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш ҳақидаги шикоятлари билан изоҳлаш мумкин. Бу эса Конституциявий суднинг ваколатларини кенгайтириш зарурати бориғидан далolat беради.

Юқоридагиларга асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 109-моддасини Конституциявий суднинг ваколатларига оид ушбу мазмундаги банд билан тўлдириш таклиф этилади: "Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан муайян ишларда қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш ҳақидаги фуқаролар ва юридик шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқади".

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.



ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИНҚИЛОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР

БИЛИМЛИ, ЗАМОНАВИЙ ДУНЁҚАРАШГА ЭГА, ИЛМГА МЕҲРИ БАЛАНД ЯНГИ АВЛОД КАДРЛАРИНИ УЛҒАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН БИЛАН АҲАМИЯТЛИҚ

Янгилаётган Ўзбекистонда турли соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жаҳон ҳамжамияти нигоҳида юксак баҳоланмоқда. Айниқса, ёш авлодни тарбиялаш, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва кадрлар тайёрлаш борасида миллий моделнинг яратилгани халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилмоқда.

Аёнки, илмсиз, инновациясиз ҳеч бир соҳада тараққиётга эришиб бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда таълим инфратузилмасини яхшилаш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, тарбия ва ўқитиш усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш, ушбу касбга қизиқиши юқори бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларни мақсадли тайёрлашнинг узлуқсиз тизимини жорий қилиш каби йирик ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни бажаришга устуворлик берилди.



Нуктаи назар



Хусусан, Президентимизнинг 2022 йил 11 майдаги "2022 — 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони, шунингдек, "Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам ана шундай сазой ҳаракатларнинг мантуқий давоми, ҳуқуқий асоси, десак, муболага эмас.

Сифат ва самарадорлик — асосий мезон

Олий таълим тизимида сифат ва самарадорликни сақлаб қолиш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар мулоқотидидаги ахилликни таъминлаш, таълим олувчиларнинг кўп миллатли эканлиги ва ҳар бир миллат вақиллари менталитетининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш, уларнинг маънавий-руҳий қиёфасини мустахкамлаш ва рақобатбардор кадрлар тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштириш бўйича тезкор ишлар амалга оширилмоқда.

Зеро, таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир кўрсатишга, умуман, мамлакатдаги мавжуд муҳитни бутунлай ўзгартиришга, инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топишини тезлаштиришга, жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахсни шакллантиришга, инсондаги бор салоҳиятни тўла рўёбга чиқаришга, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури озад, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган, қучли фўқаролик жамиятини барпо этадиган қомил инсонларни тарбиялашга қаратилган.

Яна бир жиҳат, мамлакат келажаги, барча соҳалар ва лойиҳалар муваффақияти билимли, замонавий фикрлайдиган, ўз соҳасининг усталари бўлган инсонларга боғлиқ. Шу жиҳатдан ҳам мамлакатимизда айнан таълим соҳасини, инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Боиси бугун қайси соҳани олмайлик, замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон-бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эришиш қийин.

Харакатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари

Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг дастлабки кўнаридан бошлаб юртимизда инновацион ҳамда креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавий эгалари этиб тарбиялаш мақсадида таълим тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади. Буни мактабга таълим тизимида амалга оширилган ишлар билан бирга, олий таълимни ривожлантириш йўналишида ҳам яққол кўриш мумкин. Мисол учун, юртимизда охириги беш йил давомида 60 тадан ортиқ

янги олий таълим муассасалари ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилди. Қабул квотаси уч баробар оширилди.

Битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилда 9 фоиз эди. Бугун-чи? Хозирги кунда бу кўрсаткич кескин оширилди. Келгусида битирувчиларни олий таълимга қамраб олишни кўпайтириб бориш мўлжалланмоқда. Албатта, бу ютуқларга эришиш изчиллик ва қатъият билан ҳаётга жорий этилган Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги улкан ишлар натижасидир.

Мазкур ислохотлар ҳали қўзланган чўққининг бир қисми, холос. Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида белгилаган мақсадларда ҳам таълим соҳасига кенг ўрин берилган.

Хусусан, Тараққиёт стратегиясида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш, таълим сифатини ҳамда кадрлар буюртмачилари тақлифлари асосида қабул параметрларини ошириб бориш белгиланди. Жорий йилда ёшларни олий таълим билан қамров даражасини 38 фоизга етказиш мақсад қилинган. Бу орқали таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси юзага келади, олий таълим муассасалари талабдан келиб чиқиб мутахассис тайёрлайди.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг катта қисмини, албатта, олий таълим тизимидаги ислохотлар ташкил этади. Шу боис, ўқув юртларида қамров даражасини кенгайтириш, таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Биргина талабаларни институт ва университетларга қабул қилишда давлат грантлари сони оширилгани, жумладан, эҳтиёманд оилалар қизлари учун алоҳида грантлар жорий этилгани олий таълим жозибадорлигини янада кенгайтирди.

Қўшни йилларга қадар олийоҳуларга ўқишга кириш жуда қийин эди. Квоталар кам, қабул имтиҳонларида турли муаммолар бор эди. Президентимиз ташаббуси билан олий таълимга қабул квоталари йилдан-йилга кўпайтирилмоқда. Бу, ўз навбатида, ёшларни билимли, малакали, жаҳон тараққиётга мос мутахассислар этиб тайёрлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига хизмат қилапти.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. 2026 йилда қабул кўрсаткичи камида 250 минг нафарга етказилади. Бу эса ўқини, таълим олиб, юрт тараққиётига ўз улушини қўишини мақсад қилган шунча ёшлар мурод-мақсадига етади, дегани.

Қолаверса, давлат олий таълим муассасаларига академик ва молиявий мустақиллик бериш, жумладан, улар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимлар сони, тўлов-шартнома миқдори ва таълим шаклини мустақил белгилаш амалиётини йўлга қўйиш, давлат олий таълим муассасаларининг тегишли ҳуқуқ ва ваколатларини аниқ белгилаш назарда тутилган.

Соғлом рақобат муҳити шаклланди

Ёшларни қўллаб-қувватлаш фақат шу билан чекланиб қолмайди. 2026 йилгача нодавлат олий таълим ташкилотлари сони камидан 50 тага, 2022 йилда Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида камида 1 тадан нодавлат олий таълим ташкилотини ташкил этиш ор-

қали уларнинг жами сони 34 тага етказиш мақсад қилинган ёшлар келажагини таъминлашга қаратилган эзгу ташаббусдир.

Агар нодавлат олий таълим ташкилотини қанча кўпайтасан, улар ўртасида соғлом рақобат юзага келади. Сон эмас, сифатга эътибор кучаяди. Ҳар бир олий таълим муассасаси ўз жамоасини илмий салоҳияти юқори профессор-ўқитувчилар билан кенгайтиришга ҳаракат қилади. Асосийси, ёшларнинг ўқишга иштиёқи ошади, таълим сифати юксалади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим ислохотларининг яна бир туб негизи қонунчилик нормаларининг такомиллаштириш бораётгани билан ҳам боғлиқ. Аввало, тасдиқланган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ушбу соҳа тараққиётда, ҳеч шубҳасиз, янги уфқларни очиб бермоқда. Негаки, унга мувофиқ, таълим олишнинг масофавий, инклюзив шакллари жорий қилинди, таълим ташкилотлари хорижий муассасалар билан қўшма факультет ҳамда ўқув марказлари ташкил қилишга рухсат этилиб, ўқитувчиларга муаллифлик дастури ва ўқитиш услубларини жорий этиш, замонавий педагогик шакллари, ўқитиш ҳамда тарбия усулларини еркин танлаш ҳуқуқи берилди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тас-

дида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш шулари жумласидандир.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси бўлмаса...

Қолаверса, халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илгор стандартлари жорий этилмоқда. Жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олашга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга мўлжалланган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш, таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорига ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, олийоҳуларнинг академик мустақиллигини таъминлаш масалалари ҳам ўз ечимини босқичма-босқич топаётди.

Институт ҳамда университетларда таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг эътиборини назарда тутувчи "Инновацион 3.0" концепцияси ҳам вақти билан жорий этиляпти.

Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширув-



Бугун қайси соҳада бўлмасин битта мақсад бизни бирлаштиради. У ҳам бўлса, Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигидир.

диқлаш тўғрисида"ги Фармони таълим йўналишини мўлақо янги босқичга олиб чиқмоқда. Бу ҳужжат Ўзбекистонда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илгор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилаётди.

Фармон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида назарда тутилган устувор вазифалар ижроси ҳақиқий маънода соҳада туб ўзгаришлар ясамоқда.

Хусусан, олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклики ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш, олий таълим муассасала-

чи "хаб"га айлантириш мақсад қилинган. Бу эзгу йўлда олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ҳамда илм-фан технологияларини жалб этиш, муассасаларнинг инфратузилмаси ва моддий-техника базасини, жумладан, халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшилаш, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш асосий ва-

ҳар қандай мақсад ва ислохотлар натижадорлигига илм-фан билан этиб борилиши туфайли илм бизга ҳаводек зарур. Зеро, киши қалбининг нури илм ҳамда маърифат билан қувват олади. Илм-фан тараққиёти ёшларга мукаммал таълим бериш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш орқали юзага келади. Инсоннинг қадри илм билан юксалади. Илмли киши ҳодисаларга ҳолис баҳо беради, талабчанлик ва ундабунорликни ўрганади. Мухими, Ватанга муносиб ҳисса қўишга қодир бўлади.

Таълим-тарбия ҳамда илм-фан соҳасида олиб борилаётган инқилобий ўзгаришлар айна шу эзгу мақсад — билимли, замонавий дунёқарашга эга, илмга меҳри баланд янги авлод кадрларини улғайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

зифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилаётган видеоселектор йиғилишларида таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалалари ҳақида кўп гапирилади. Бу бежиз эмас. Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграция бўлмаса, қутилган натижага эришилмайди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, жумладан, имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражасини ошириш, улар учун инфратузилмага оид шартлолларни яхшилаш ҳам бугунги кун давлат сиёсатидаги ҳос келади. Бу йўналишдаги ишлар салмоғи ҳам кам эмас.

Биргина мисол, 2021 йилда эҳтиёманд оилаларга мансуб 2 мингдан зиёд қизлар олийоҳуларга давлат гранти асосида қабул қилинди, яна шунча талаба қизларга контракт пуллари тўлаб берилди. Аёллар таълимга алоҳида эътибор берилаётгани туфайли ўтган йили олий ўқув юртига қабул қилинган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Олдимизда турган устувор вазифалар кам эмас

Албатта, ютуқлар ўзимизники. Аммо олдимизда турган устувор вазифалар ҳам кам эмас. Бинобарин, бугун замон шиддат билан ўзгариб, барча соҳа қатори таълим тизими олдига ҳам ўта долзарб ва мураккаб вазифаларни қўймоқда.

Жумладан, олий таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражасини янада ошириш керак. Бу борада қилинган ишларни эътироф этган ҳолда айтиш жоизки, бугунги ахборот дарида мамлакатдаги барча аҳоли пунктлари ва таълим муассасалари замонавий оптик толаси интернет алоқа тизимини олиб кириш ҳамда интернет хизматлари нархини пасайтириш ҳаётий заруратдир.

Ечимини кутаётган масалалардан яна бири — аксарият битирувчиларнинг билим ва малакаси меҳнат бозори талабларига жавоб берадими. Таълим муассасаларида инновацион фаолият ва тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш даражасини янада ошириш лозим. Қолаверса, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ишларини изчил давом эттириш ҳам муҳим масала. Бу, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш имконини беради.

Умуман олганда, бугун қайси соҳада бўлмасин битта мақсад бизни бирлаштиради. У ҳам бўлса, Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигидир. Шундай экан, олий таълим тизимини ҳар томонлама ривожлантириш, келажақ учун инновацион капитал манбаини яратиш, ёшларга пухта билим бериш, касб-ҳунар ўргатиш орқали бандлигини таъминлаш барчамизнинг вазифамиздир.

Ҳар қандай мақсад ва ислохотлар натижадорлигига илм-фан билан этиб борилиши туфайли илм бизга ҳаводек зарур. Зеро, киши қалбининг нури илм ҳамда маърифат билан қувват олади. Илм-фан тараққиёти ёшларга мукаммал таълим бериш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш орқали юзага келади. Инсоннинг қадри илм билан юксалади. Илмли киши ҳодисаларга ҳолис баҳо беради, талабчанлик ва ундабунорликни ўрганади. Мухими, Ватанга муносиб ҳисса қўишга қодир бўлади.

Таълим-тарбия ҳамда илм-фан соҳасида олиб борилаётган инқилобий ўзгаришлар айна шу эзгу мақсад — билимли, замонавий дунёқарашга эга, илмга меҳри баланд янги авлод кадрларини улғайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ҳаёт ҚОДИРОВ,
Тошкент давлат педагогика университети ўқув ишлари бўйича проректори, педагогика фанлари доктори.

Акс садо

ХАЛҚНИ ЎЙЛАЙДИГАН ДАВЛАТ БОР

"Халқ сўзи" газетасининг шу йил 7 июндаги сонидан чоп этилган "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил..." сарлавхали мақолани ўқиб, очиги, ич-ичимдан севиниб, тўқинлиб кетдим. Сабаби муаллиф Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ректори, профессор, Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Холмуродов халқимизнинг айни дилидаги гапларни айтибди.



Р. Холмуродовни

Ватанин чин дилдан севадиган, унинг тараққиёти учун, равнақи учун жонини аямайдиган фидойи инсон сифатида яхши биламиз. Қолаверса, у кишининг матбуотда эълон қиладиган ҳар бир мақоласида Ватанга содиқлик, ватанпарварлик, инсонийлик, меҳр-оқибат ва мамлакат ривожига оид фикрлар аниқ ифодалаб берилади. Шу боис ҳам биз у кишини ҳар бир мақоласини зўр иштиёқ билан ўқиймиз.

Юқорида зикр этилган мақолани нафақат фан ва таълим соҳасида, балки ҳаётнинг барча жаҳасида чўқур тажрибача эга бўлган, унинг аччиқ-чуққларини ўз бошидан ўтказган заҳматкаш сиёсатчи ва ундабунор ташкилотчининг қалб нидоси ва фалсафий мушоҳадаси, деб ҳисоблаймиз.

Қузатган бўлсангиз, кейинги пайтда айрим озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошишини ниқор қилиб, одамлар кайфияти билан ўйнашаётган тоифа пайдо бўлди. Ўзининг мустақил фикрига эга, жаҳондаги хозирги ҳолат билан таниш инсон айрим "шоумен"лар айтаётган гапларнинг таги пуч, прогностлари ҳақиқатдан ироқ эканлигини яхши билади. Ва ҳола анди, мақолада айтилганидек, "...бир ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди: Ер юзиде, бозор иқтисодиёти ша-роитида, халқини Ўзбекистондай ҳумоқ қилган давлат бошқа бўлмас қилган".

Дарҳақиқат, шундай. Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида, аввало, инсон қадри устувор этиб белгиланган. Бозор иқтисодиёти тамойилларини жорий этишда ҳам ижтимоий ҳимояни кучайтириш, аҳолининг кам таъминланган қатламни моддий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Мана, масалан, яқинда Президентимиз ташаббуси билан барча пенсионерлар, нафақахўр ва кам таъминланган инсонларга бир марталик ёрдам пули тарқатилди.

Тўғри, кейинги пайтда муҳим қўндалик истеъмол товарлари баҳоси кўтарилган бўлса ҳам, Лекин қаринчи сал қатроқ олиб, теварак-атрофимизга назар ташлайдиган бўлсак, бу ҳол фақат бизда эмас, бунинг дунёда кузатилаётганига тўғрив бўлмайди. Келинг, шу ўринда масалани шаклар маҳсулотини мисолида таҳлил қилиб кўрайлик.

Маълумотларга қараганда, қўшни ва МДМ мамлакатларида шаклар нархи 52 фоизга ошган. Бунини сўмга қақадиган бўлсак, шакларнинг килоси 14 минг сўмдан 21 минг сўмгача сотилган. Энг хавотирлики, қўшниларимизда бу маҳсулот тақчиллиги билан боғлиқ муаммолар ҳам юзага келаётди.

Шуқри, жонажон Ўзбекистонимизда савдо расталари шу ва шу каби маҳсулотлар билан тўла. Хориж билан таққосланганда, нархи ҳам нисбатан арзон — одамларнинг харид қобилияти даражасида. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 1 килোগам шакларнинг ўртача нархи 9 минг 500 — 13 минг сўм доирасида шакланмоқда.

Бугунги глобаллашув пайтида, профессор Рустам Холмуродов айтганидек, халқимиз бирдан бўлиб, бирлашиб, шиддат билан ривожланаётган Ўзбекистонимиз иқтисодий тараққиёти йўлида пайдо бўлаётган айрим муаммолар ечимини йўл-йўлақай топиб кетадиган замон бўлди. Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароит яратилган.

Бақриддин ЗАРИПОВ,
Жаҳон физиологлар жамияти академиги, Рим университетининг фахрий профессори.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроми Г — 648. 30 259 нуسخада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Газетанинг қўндалик маълумотларини кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Мусахҳиҳ — С. Исломов. "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.35 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6